

МОДЕРНИЗМ ЙЎНАЛИШИ МУҲАММАДЖОН ХОЛБЕКОВ ТАЛҚИНИДА

Ш. Ҳасанов¹*Аннотация:*

Мақолада XX асрда жаҳон адабиётининг ривожда муҳим роль ўйнаган модернизм методи тадқиқотчиси, таниқли адабиётшунос олим профессор Муҳаммаджон Холбековнинг модерн адабиётига оид илмий назарий қарашлари ва постмодерн даври адабий жараёни ҳақидаги мулоҳазалари, илмий изланишлари ёритиб берилган. М.Холбековнинг интеллектуал роман, онг оқими, ғарб модерн драмаси, француз “Бульвар театри” каби илмий-назарий масалалар тадқиқ этилган мақолалари фикр ва мулоҳазаларга бойлиги далилланган.

Калит сўзлар: модерн, соцреализм, постмодернизм, глобаллашув, илмий-адабий концепциялар.

doi: <https://doi.org/10.2024/6xn8ek86>

Адабиёт тарихидан яхши маълумки, адабий алоқалар, таржимачилик, илғор адабиётларнинг ҳаётбахш анъаналарини ўзлаштириш барча замонларда ҳам миллий адабиётларнинг кейинги равнақини белгилаб келган. Профессор Муҳаммаджон Холбековнинг “XX аср жаҳон адабиёти манзаралари” номли тадқиқоти кейинги йилларда ўзбек адабиётшунослигида бу борада яратилган муҳим манбалардан ҳисобланади. Маълумки, XX аср жаҳон адабиёти бир-биридан кескин фарқ қилувчи иккита катта йўналишда ривожланди. Бири собиқ иттифоқнинг социалистик реализм адабий йўналишига асосланган адабиёти бўлса, иккинчиси ғарб ижодий оламини қамраб олган модернизм методидир. Соцреализм адабиёти ва адабиётшунослиги деярли мустақиллик йилларигача модернизм санъатини тан олмай келди. Шу боис кўп йиллар давомида модернизм ҳодисаси кўпчилик учун бегоналигича қолиб келди. Бугунги кунда модернизм ҳодисасининг моҳиятини очишга йўналтирилган бир қатор монографиялар, ўқув қўлланмалар ёзилди, илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Шунга қарамасдан, модернизм бағрида 10-15 йил яшаб, сўнг истеъмолдан чиқиб кетган адабий оқимлар, 60-75 йиллар давомида ҳукм сурган адабий йўналишлар мавжудлиги, унинг бир томондан реализм, иккинчи томондан ўзидан кейинги постмодернизм, глобаллашув даври санъатлари билан синтезлашиб, янгидан-янги хусусиятларини намоён этаётганлиги табиатининг ниҳоятда мураккаблигини кўрсатади.

Модернизм қандай ҳодиса, уни келтириб чиқарган омиллар нималардан иборат? У илгари сурган ғоялар ўзга қитъаларда қандай акс-садо берди? Чинданам унинг ақидалари шўро мафкурасига ётмиди?

М.Холбеков 700 саҳифалик ушбу тадқиқотида ана шу саволларга атрофлича ва батафсил жавоб излайди. Муҳими шундаки, олим илмий-назарий қарашларини конкрет асарлар таҳлилидан келтириб чиқаради. Адабиётшунос XX аср модернизм прозасининг тадрижий талқинини Марсел Пруст, Жеймс Жойс, Франс Кафка, Уильям Фолкнер, Эрнест Хемингуэй кабилар ижоди мисолида кўрсатса, модернизм шеърятининг хос белгиларини Томас Элиот, Гиом Аполлинер асарлари таҳлили билан далиллайди. Модернизм эстетикасининг асосларини эса “аср одами” Жан-Поль

¹ Шавкат Ҳасанов, филология фанлар доктори

Сартр, “ғарб виждони” Алберь Камюларнинг бадиий, илмий-эстетик қарашлари талқинида умумлаштиради.

Модернизм ҳодисаси ҳаётга теранроқ назар солиш, воқеликдаги ҳар бир ҳодисотни ўз номи билан аташ, шахс ва жамиятнинг ички жараёнларида кечаётган ижтимоий, руҳий-психологик ўзгаришларига аниқ ташхис қўйиш ҳамда ўзигача мавжуд бўлган китобийликдан қутилиш истагида пайдо бўлган ўзига хос адабий методдир. Профессор М.Холбеков модернизмнинг юзага келишига асос бўлган сабабларни XIX аср охири XX аср бошлари фалсафасида пессемизм, иррационализм ва индивидуализм каби йўналишларнинг устунлик қила бошлаганлигида деб ҳисоблайди. Қисқароқ айтганда, француз шоири Шарль Бодлернинг “Биз ҳаммамиз ҳаётда гўёки адабий дафн маросимида қатнашаётгандекмиз” – мазмунидаги ҳикматли сўзлари модернизм моҳиятини образли ифода эта олади.

Ўтган асрнинг 60-йилларига келиб, модернизм ўз умрини яшаб бўлди ва ўрнини постмодернизмга бўшатиб берди. М.Холбековнинг постмодернизмга берган таърифни соддароқ қилиб ифодалайдиган бўлсак, бу модернизмдан кейинги адабий босқич бўлиб, унда тайёр сюжетлар қайта ишланади, янгича талқин қилинади, ўзигача муқаддас ҳисобланган қадриятларга кўпинча киноя билан ёндашилади, энг асосийси “маҳсулот”нинг “енгил ҳазм” бўлишига ва шу орқали катта аудиторияни қамраб олишига эришилади. Кўнгилочарлик ва оммавийлик бу хилдаги санъат асарларининг хос белгиси. Постмодернизм намуналари сифатида енгил-елпи телесериалларни мисол келтириш мумкин. Бугунги кунда ҳар қандай истеъдодли ёзувчининг ижод маҳсули оммавийлашув ва тезкорлик нуқтаи назаридан интернет хабарларига тенглаша олмайди. Постмодернизм айна ана шу нуқтада пайдо бўлди, яъни ёзувчининг ижод маҳсули ҳам ОАВ ва интернет тизими тезкорлигига яқинлаштирилди. М.Холбеков постмодернизм адабиёти хусусида мулоҳаза юритар экан, мослашувчанлик ва келишувчанликни унинг хос аломатлари сифатида эътироф этади.

Испан файласуфи Хосе Ортега-и-Гассет таъкидлаганидек, ўқувчини мушоҳадага чорлайдиган, унга руҳий озиқ берадиган элитар адабиётга мансуб романларни мутолаа қиладиган китобхон қолмаганлиги баробарида оммавий адабиётнинг бозори чаққон бўла бошлади.

Умумжаҳон контекстида олиб қараганда, XXI асрнинг дастлабки йилларида постмодернизм ҳам ўз имкониятларини сарфлаб бўлди. Бироқ айрим миллий адабиётларда ҳар икки методда ҳануз асарлар юзага келаётганлигини таъкидлаш жоиз. Масалан, ўзбек детектив адабиётида саргузашт асарлар яратилаётгани каби. XXI аср сиёсати ва иқтисодиётида бўлганидек, адабий жараёнида ҳам глобаллашув хусусиятлари қатъийлашиб бораётганлигини муаллиф конкрет асарлар таҳлилида кўрсатиб ўтади.

М.Холбековнинг мазкур таққиқотида мавзу кенг қамраб олинган. Унда салкам бир ярим асрлик давр мобайнида жаҳон адабиётида кечган ижодий таълимотларнинг келиб чиқиш манбалари, шаклланиши, тараққиёт тенденциялари билан боғлиқ муҳим ҳолатлар, илмий-адабий концепциялар атрофлича ўрганилган ва муайян хулосалар чиқарилган.

Муаллифнинг интеллектуал роман, онг оқими, ғарб модерн драмаси, француз “Бульвар театри” каби илмий-назарий масалалар тадқиқ этилган мақолалари фикр ва мулоҳазаларга бойлиги ҳамда теран хулосалари билан эътиборни тортади. Шунингдек, ўзбек адабиётшунослигида кам ўрганилган масалаларни янгича кузатувлар асосида фундаментал ўрганилганлиги мазкур асарнинг муҳим илмий-назарий манбалигини ҳам тайин этади.

Ўтган юз йилликнинг 70-йилларида ўзбек адабиётига шоир ва ёзувчиларнинг ўз сози ва сўзига эга янги бир авлоди кириб келди. М.Холбеков ана шу авлоднинг адабиётшуносликдаги етук вакиллари билан бири. Илмий-ижодий изланишлар билан

кечган давр мобайнида олимнинг ўнга яқин ўқув қўлланмалари, монографик тадқиқотлари нашр қилинди. Унинг “Марло ва Шекспир”, “Структур адабиётшунослик”, “Бадий матннинг структур таҳлили”, “XX аср жаҳон адабиёти манзаралари” каби асарлари шулар жумласидан.

Олимнинг замонавий ўзбек адабиётини хорижда тарғиб қилишда ҳам муносиб хизматлари бор. Жумладан, у 1990-2000 йилларда франциялик шоирлар “Action poétique” журнали муҳаррири Анри Делюи ва Жан-Пьер Бальп билан ҳамкорликда Рауф Парфидан то Хуршид Давронгача бўлган ёш ўзбек шоирлари ижодидан таржималар қилиб “Poètes ouzbek et russe” (1989) антологиясини нашр эттирди.

Истеъдодли адабиётшунос, жаҳон адабиётининг билимдони Муҳаммаджон Холбеков ўзидан бой илмий мерос қолдирди. Бу илмий меросни илмий-назарий жиҳатдан ўргансак, алоҳида диссертация доирасида тадқиқ этсак, устознинг руҳини яна бир бор ёд ва шод этган бўлардик.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- [1]. Ортега-и-Гассет Х. Эстетика. Философия культуры. М.: Искусство, 1991.-588 с.
- [2]. Холбеков М. XX аср модерн адабиёти манзаралари. – Т.: “Мумтоз сўз” нашриёти, 2012. – 308 б.
- [3]. Холбеков М. Таржимашунослик ва таржима танқиди. Тошкент. Наврўз. 2014. 19-81 б.
- [4]. Холбеков М.Н. Марло ва Шекспир. – Т.: Наврўз, 2015. – 340 б.